

2020-2021 ўқув йили учун республика олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига нисбатан Хотин-қизлар учун кундузги таълим шаклидаги умумий қабул кўрсаткичларининг 4%и миқдорида қўшимча давлат гранти асосидаги квоталарнинг Қорақалпоғистон Республикаси кесимидаги жами сони 51 нафарни ташкил этади.

2020-2021 ўқув йили учун республика олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг кундузги шакли бўйича алоҳида беш фоизли қўшимча қабул кўрсаткичларининг Қорақалпоқ давлат университети кесимидаги жами сони 194 нафарни ташкил этади. Шундан 34 нафари давлат гранти асосида, 160 нафари шартнома асосида қабул қилинади.

2020-2021 ўқув йили учун республика олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига нисбатан Давлат грант асосида олий таълим муассасаларига умумий белгиланган қабул кўрсаткичларига нисбатан ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятида юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандлари учун қўшимча уч фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларининг Қорақалпоқ давлат университети бўйича жами сони 20 нафарни ташкил этади.

2020-2021 ўқув йили учун республика олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига нисбатан Республика олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига нисбатан «Мехрибонлик ўйи» ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун қўшимча бир фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларининг Қорақалпоқ давлат университети кесими ва таълим шакллари бўйича тақсимооти:

Кундузги таълим шаклига – 39 нафар

Сиртқи таълим шаклига – 6 нафар

Кечки таълим шаклига – 1 нафар

Жами – 46 нафар

2020-2021 ўқув йили учун республика олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига нисбатан Республика олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига нисбатан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча икки фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларининг Қорақалпоқ давлат университети кесими ва таълим шакллари бўйича тақсимооти:

Кундузги таълим шакли бўйича – 77 нафар

Сиртқи таълим шакли бўйича – 12 нафар

Кечки таълим шакли бўйича – 3 нафар

Жами – 92 нафарни ташкил этади

**Тест синовлари билан бир қаторда касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган
бакалавриат таълим йўналишлари рўйхати**

№	Танлов коди	Бакалавриат таълим йўналишлари номи	1-фан	2-фан
1.	5340100	Архитектура (турлари бўйича)	Математика	Касбий (ижодий) имтиҳон
2.	5220100	Журналистика (фаолият турлари бўйича)	Она тили ва адабиёти	Касбий (ижодий) имтиҳон
3.	5220200	Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар	Она тили ва адабиёти	Касбий (ижодий) имтиҳон

**Кўп балли тизим бўйича имтиҳонлар ҳамда тест синовлари асосида амалга ошириладиган
ва ўқитиш қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида олиб бориладиган таълим йўналишлари
рўйхати**

Т/р	Танлов коди	Бакалавриат таълим йўналишлари номи	Касбий (ижодий) имтиҳон	Балл
Ўқитиш қозоқ тилида олиб борилади				
1.	5120116	Филология ва тилларни ўқитиш: қозоқ тили	Қозоқ тили ва адабиёти Тарих	3,2 3,1
Ўқитиш туркман тилида олиб борилади				
2.	5120118	Филология ва тилларни ўқитиш: туркман тили	Туркман тили ва адабиёти Тарих	3,2 3,1